ИНТЕРНЕТ ТАРМОҚЛАРИДА ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ МОДДАЛАРНИ ТАРҒИБ ҚИЛГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

МУРОДЖОН АТАБЕКОВ,
мустақил изланувчи

Ушбу мақола гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг интернет тармоқларидаги тарқалиши ва уларни тарғиб қилиш муаммоларига бағишланган. Мақолада гиёҳвандликка қарши курашишдаги халқаро ва миллий чора-тадбирлар, шунингдек, интернет ва ижтимоий тармоқлардаги янги тенденциялар таҳлил қилинган. Махсус равишда ёшлар орасидаги гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш ва психотроп моддаларга қарамлик ҳолатлари, бу иллатнинг келажакдаги хавфли оқибатлари таҳлил қилинган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кераклиги таъкидланган.

Таянч сўзлар: гиёҳвандлик, психотроп моддалар, интернет тармоқлари, ёшлар, ноқонуний айланиш, халқаро ҳамкорлик, ижтимоий тармоқлар, маъмурий жавобгарлик, профилактика, тарғибот-ташвиқот

ВОПРОСЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА РАСПРОСТРАНЕНИЕ НАРКОТИЧЕСКИХ СРЕДСТВ ИЛИ СИЛЬНОЭФФЕКТИВНЫХ ВЕЩЕСТВ В СЕТЯХ ИНТЕРНЕТА

Данная статья посвящена проблемам распространения наркотических средств и психотропных веществ в интернете и их распространения. В статье анализируются международные и национальные меры по борьбе с наркоманией, а также новые тенденции в интернете и социальных сетях. В частности, анализируется распространенность употребления наркотиков и наркотической зависимости среди молодежи, опасные последствия этого заболевания в будущем. Подчеркивается необходимость усиления сотрудничества между правоохранительными органами и общественными организациями и использования современных информационных технологий.

Ключевые слова: наркомания, психотропные вещества, интернет-сети, молодежь, незаконный оборот, международное сотрудничество, социальные сети, административная ответственность, профилактика, пропаганда

ISSUES OF LIABILITY FOR THE DISTRIBUTION OF NARCOTIC DRUGS OR HIGHLY POTENTIAL SUBSTANCES ONLINE

This article addresses the issues of distribution of narcotic drugs and psychotropic substances online and their distribution. It analyzes international and national measures to combat drug addiction, as well as new trends on the internet and social media. Specifically, it examines the prevalence of drug use and addiction among young people and the dangerous future consequences of this disease. It emphasizes the need to strengthen cooperation between law

enforcement agencies and public organizations and the use of modern information technologies.

Keywords: drug addiction, psychotropic substances, internet networks, youth, illegal trafficking, international cooperation, social media, administrative liability, prevention, propaganda

Гиёҳвандликка қарши кураш доирасида гиёҳванд моддаларни ноқонуний савдосига чек қўйиш ҳам асосий вазифалардан ҳисобланади. Трансмиллий гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашда халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари, жумладан Интерпол, Жаҳон Божхона ташкилоти каби ташкилотлар ҳамкорликда фаолият юритишмоқда. Экспертларнинг фикрича, гиёҳванд моддалар ноқонуний савдо айланмаси бир йилда 300 миллиард доллардан 800 миллиард долларни ташкил қилади [1].

Дунёда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф равишда айланишига қарши курашиш муаммоси алоҳида давлатлар чегарасидан чиқиб, ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятига жиддий таҳдид солмоқда. Жаҳонда бўлгани каби Ўзбекистон Республикасида ҳам гиёҳвандлик ҳолати, уларни қонунга хилоф равишда айланишининг кенгайиши, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддаларни нотиббий истеъмол қилинишининг ўсиши ҳамда “шимолий йўналиш” бўйича афғон опиатларини транзит қилишнинг эски каналларининг фаоллашиши ва янгиларининг шаклланиши фонида мураккаблигича қолмоқда.

Гиёҳванд моддалар савдоси ва уюшган жиноятчилик Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатларининг иқтисодий, сиёсий барқарорлигига катта хавф солмоқда [2]. Гиёҳвандлик замонавий

ҳаётнинг энг хавфли кўринишларидан бири ҳисобланади. Ҳар куни гиёҳвандлик деб аталмиш қўрқинчли қармоққа минглаб одамлар тушиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича халқаро ҳамжамият олдидаги ўз мажбуриятларини тўлақонли бажаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўз ортидан бошқа қора иллатларни ҳам етаклаб юрадиган гиёҳвандлик балосига қарши курашишда юртимизда мустаҳкам ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилган. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз 1995 йил февраль ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1961 йилдаги – Наркотик моддалар тўғрисида‖ги Ягона Конвенцияси, 1971 йилдаги – Психотроп моддалар тўғрисида‖ги ҳамда 1988 йилдаги – Гиёҳвандлик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисида‖ги Конвенцияларига аъзо бўлган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга нисбатан қарши иммунитетни шакллантириш, шунингдек, инсон саломатлигини таъминлашга қаратилган ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кейинги пайтларда ёшларимиз орасида кучли таъсир қилувчи ва таркибида психотроп моддалар мавжуд бўлган дори воситаларига қарамлик иллатига ружу қўйиш ҳолатлари кўп кузатилмоқда. Бу иллат ёш оилаларнинг барбод бўлишига, болаларнинг тирик етим қолишига зомин бўлаётгани таассуфлидир.

Бугунги кунда гиёҳвандлик дунё жамоатчилигини хавотирга соладиган даражада ёйилиб кетмоқда. Охирги 20 йилда кўп мамлакатларда гиёҳвандлик воситалари билан бирга психотроп ва психофаол моддаларни истеъмол қилувчиларнинг сони ошиб бормоқда.

Ушбу иллатнинг ёшлар орасида оммалашиши жуда хавфлидир. Ёшлар ўртасида бу иллатнинг кўпайиб кетишини ўсмирларнинг ҳар хил нарсаларга қизиқувчанлиги, тез таъсирга берилувчанлиги, уларнинг ушбу касаллик туфайли келиб чиқаётган асоратларни билмаслиги ҳамда аҳоли орасида гиёҳванд восита ёки гиёҳвандлик касаллиги тўғрисидаги ахборотларнинг камлиги билан тушунтириш мумкин.

Маълумотларга кўра, сўнгги беш йилда республика ҳудудида гиёҳвандлик, психотроп ва кучли таъсир қилувчи воситалар ноқонуний муомаласи учун жавобгарликка тортилган шахслар орасида ёшлар 74 фоизга ошган. Наркологик ҳисобга олинган 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган гиёҳвандлик воситалари истеъмолчилари 60 фоизга кўпайган [3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ–207-сон Фармони билан тасдиқланган “Гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича 2025–2026 йилларга мўлжалланган комплекс амалий ҳаракатлар миллий дастури”да 33 та вазирлик ва идоралар ҳамда барча ҳокимликлар зиммасига аниқ вазифалар ва 111 та тезкор-профилактик, ташкилий-тарбиявий, тарғибот-ташвиқот чора-тадбирларини комплекс равишда амалга ошириш юклатилди [4].

Шунингдек, идоралар ва ҳокимликлар ўз соҳаси ва ҳудуди кесимида Миллий дастур ижросини манзилли ташкил этиш бўйича ҳар чораклик “йўл хариталари”ни тасдиқлаши ҳамда ҳар ой якунида амалга оширган аниқ ишлари юзасидан Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлигига ҳисобот киритиб бориши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 6 майдаги “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли

саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-73–сон Фармони ана шулар жумласидандир [5].

Мазкур фармонда аҳоли, айниқса хотин-қизлар ва ёшларда “гиёҳвандликка қарши иммунитет”ни, ўқувчи ва талабалар орасида кучли таъсир қилувчи дориларни истеъмол қилишга муросасиз муносабатни шакллантириш, таълим муассасаларида психофаол моддалар тарқалишининг олдини олишга қаратилган янги таъсирчан тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий-профильактик механизмларни жорий этиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда прекурсорларнинг ноқонуний айланмасининг янгича, айниқса интернет тармоғидаги усулларига барҳам бериш, бу борадаги тезкор-қидирув, тергов ва эксперт-криминалистик чоралар комплексини, биринчи навбатда рақамлаштириш орқали ривожлантириш вазифалари берилган.

Сўнгги йилларда янги турдаги синтетик гиёҳвандлик воситалари ва кучли таъсир қилувчи моддалар пайдо бўлаётганлиги, улар инсон омилисиз интернетнинг ижтимоий тармоқларидан фойдаланган ҳолда аҳоли, айниқса ёшлар орасида осон тарқатилаётганлиги масъул давлат тузилмаларининг бу борадаги фаолиятини “Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун” деган устувор ғоя асосида сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Жумладан, 2024 йилнинг ўзида Тошкент шаҳрида қайд қилинган гиёҳвандлик воситалари ва кучли таъсир қилувчи моддалар билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг сони 3417 тани ташкил этган, уларнинг ҳар учинчиси ёшлар томонидан содир қилинган.

Ачинарлиси 26 та ҳолатда бундай қилмишни 18 ёшга тўлмаган вояга етмаганлар томонидан содир этилган, уларнинг 16 нафари эса мактаб ўқувчилари бўлган.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни истеъмол қилиш натижасида ёшларимиз ичида ўлим ҳолатлари ҳам қайт этилмоқда.

Ёшларни ижтимоий тармоқлар орқали гиёҳвандлик воситалари истеъмолига ва бундай моддалар савдосига жалб қилиш ҳолатлари кучайган. Ёшларимиз орасида бундай тузоқларга тушиб қолаётганлар сони ҳам кўпайган.

Гиёҳвандлик воситалари бу глобал муаммо лекин бу бало бизнинг эшигимизда турганлигини барчамиз бирдай англашимиз зарур.

Бу иллат оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишга, оилалар ва миллат генофонди бузилишига сабаб бўлмоқда.

Интернет орқали моддий манфаат эвазига умрини хазон қилиб психофал моддалар савдосига аралишиб қолаётган ёшларимиз ҳам кўпайган.

Хусусан, 2023-йил Тошкент шаҳрида жойлашган олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг 49 нафари интернет тармоғи орқали олган топшириқларига кўра воситачилик (заклатчи) қилаётган пайтида жиноят устида қўлга олинган [6].

Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексда гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларга қўлланиладиган жазо чоралари белгиланган.

Жумладан, 246-модда (Контрабанда), 251(1)-модда (Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар

ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёки бундай моддаларни ёхуд заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш), 251(2)-модда (Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш) ҳамда ушбу кодекснинг XIX боб (Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар) 270-276-моддалар билан жавобгарлик белгиланган.

Мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан психофаол моддалар сотувчи шахсларни аниқлаш ва уларнинг жиноий фаолиятига чек қўйишга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, шунга қарамасдан оғуфурушлар ноқонуний фаолияти шаклини мунтазам ўзгартириб, янги-янги ёшларни ўз тузоғига илинтирмоқдалар.

Суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда гиёҳванд моддалар тарғиботи ва рекламасининг мазмунини тушунишга ягона ёндашувлар йўқ. Жиноятларнинг катта қисми гиёҳванд моддалар ўсимлиги “каноп” тасвирланган кийим-кечак буюмларидан фойдаланиш (кийиш) ёки гиёҳванд моддалар ўсимлиги “каноп” тасвирланган бундай буюмларни сотиш орқали содир этилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 56^2-моддасига кўра, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, худди шунингдек уларни

тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Унга асосан ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади [7].

Жиноят кодексининг 251^1-моддасига асосан, ушбу маъмурий ҳуқуқбузарлик бири йил давомида такроран содир этилиши жиноий жавобгарлик назарда тутилган [8].

Янги психофаол моддаларни тарқатишда замонавий ахборот технологияларидан, хусусан, Интернет тармоғидаги реклама ва савдо-сотиқ имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Наркотик воситалар ва психотроп моддаларни Интернет тармоғидан фойдаланиб тарқатишга қарши курашишда самарадорликка эришиш мақсадида телекоммуникация тармоқларида ўтказиладиган тезкор- қидирув тадбирини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий хужжатларни такомиллаштириш ва тезкор ходимларнинг бу борадаги билим ва амалий кўникмаларини ривожлантириш талаб этилади.

Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши барча даврларда долзарблигини йўқотмайдиган муаммолардан бири бўлиб қолди.

Шу сабабли, унга қарши курашиш самарадорлигини ошириш учун хуқуқни мухофаза қилувчи органлар бу жараёнда фойдаланадиган восита

ва усулларни такомиллаштириб бориши талаб этилади. Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар ноқонуний тарқалишининг олдини олиш, бу каби хуқуқбузарликларни содир этаётган шахсларни аниқлаш, уларнинг фаолиятига чек қўйиш хамда вояга етмаганлар ва ёшлар бу йўлга кирмасликлари учун тегишли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан хамкорликда зарур тезкор- профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, бу жараёнда замонавий ахборот-технологияларидан фойдаланиш ва ахоли орасида тарғибот ишларини кучайтириш орқали унинг оғир оқибатлари хақидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш ишларини амалга ошириш лозим.

1. https://kun.uz/kr/news/2016/06/25/26-iun-halyaro-gievandlik-va-bangifuruslikka-karsi-kuras-kuni.

2. Ниматов Ш. Н. Хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш фаолиятини такомиллаштириш //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 8-17.

3. Ўразалиев М. Гиёҳвандликка қарши курашиш — ҳаммамизнинг энг асосий ишимизга айланиши керак //https://parliament.gov.uz/oz/news/giyohvandlikka-qarshi-kurashish-hammamizning-eng-asosiy-ishimizga-aylanishi-kerak/

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони //https://lex.uz/docs/7818774.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 6 майдаги “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли

саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-73 –сонли Фармони // https://lex.uz/docs/6912475.

6. Бободўстов Ш. Ёшлар орасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш // https://hudud24.uz/news/ioshlar-orasida-giiokhvandlik-vositalari-va-psikhotrop-moddalarning-nokonunii-ailanmasiga-chek-kuiish.

7. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // https://lex.uz/docs/97664.

8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // https://lex.uz/docs/111453.